

ГЕОГРАФИЯДА РАЙОНЛАШТИРИШ. МАМЛАКАТНИ ТРАНСПОРТ-ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ.

Ниязов Адхам Абдуганиевич

Чирчиқ давлат педагогика университети иқтисодий ва ижтимоий география ихтисослиги докторанти

Аннотация: *Мазкур мақолада географик районлаштириш, унинг аҳамияти, шунингдек мамлакатдаги мавжуд районларнинг айримларига тўхталиб ўтилган. Мамлакатни транспорт – географик районлаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *Районлаштириш, транспорт – географик районлаштириш, иқтисодий район, “конуссимон” йўналиш, ботаника-географик районлар, нефт –газли минтақалар.*

РАЙОНИРОВАНИЕ В ГЕОГРАФИИ. ПРОБЛЕМА ТРАНСПОРТНО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНИРОВАНИЯ СТРАНЫ.

Ниязов Адхам Абдуганиевич

Чирчикский государственный педагогический университет, докторант по экономической и социальной географии

Аннотация: *Данная статья посвящена географическому районированию, его значению, а также некоторым существующим регионам в стране. Выдвинуты предложения по транспортно-географическому районированию страны.*

Ключевые слова: *Районирование, транспортно-географическое районирование, экономический район, «коническое» направление, ботанико-географические районы, нефтегазоносные районы.*

Zoning in geography. The issue of transport-geographical zoning of the country.

Niyazov Adkham Abduganievich -

a doctoral candidate in the field of Economic and Social Geography at the Chirchik State Pedagogical University

Annotation: *This article focuses on geographic zoning, its importance, as well as some of the existing regions in the country. Proposals for transport and geographical zoning of the country have been put forward.*

Key words: *Regionalization, transport - geographic regionalization, economic region, "conical" direction, botanical-geographical regions, oil and gas regions*

Географиянинг энг мухим хусусиятларидан бири бу ўрганилаётган объектни районлаштириш масаласи бўлиб, бунда объект турли боғлиқлик ва ўзига хосликларидан келиб чиқиб алоҳида ҳудуд(минтақа)ларга ажратилган ҳолда ўрганилади.

Районлаштириш – география тизимидаги фанларда қўлланиладиган илмий тадқиқ этиш методи бўлиб, у географик қобик ёки унинг айрим қисмларининг ҳудудий табақаланишини, табиат ва жамият ўртасидаги таъсирнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий

жараёнларини аниқлаб беради. Районлаштиришнинг иқтисодий, иқтисодий-географик, табиий географик ҳамда хусусий табиий-географий(геоморфологик, иқлимий, гидрологик, геоботаник, зоогеографик ва б.)каби турлари мавжуд. Районлаштириш масштабибга кўра, майда, ўрта ва йирик масштаби, қўйилган вазифасига кўра умумилмий ва амалий бўлиши мумкин.

Табиий географик районлаштириш – ер юзасининг ички бирлиши ва табиатининг ўзига хос хусусиятига эга худудий бўлинмалари системаси. Табиий географик районлаштириш – табиий географиянинг синтез шаклларида бири, яъни ўзига хос илмий тадқиқ қилиш жараёнидир. Унинг объекти – турли таксономик қийматга эга бўлган худудий комплекслар. Вазифаси эса, шу комплексларни аниқлаш, харитага тушириш ва маълум тартиб билан тавсифлаб беришдан иборат.

Иқтисодий - ижтимоий географияда мамлакатни иқтисодий районлаштириш анча кенг тарқалган.

Иқтисодий районлаштириш иқтисодий географиянинг, “район” тушунчаси умуман география фанининг бирламчи, бош тушунчасидир. Районсиз, бир жойдан иккинчи жойнинг фарқисиз, худудий тафовутсиз география фанининг узи ҳам булмайдир. Иқтисодий районлар худудий меҳнат таксимотининг натижаси сифатида объектив мавжуддир.

Иқтисодий район, иқтисодий географик район – табиий ва иқтисодий шароитлари бир хил ва халқ хўжалиги тарихан таркиб топган, ихтисослашган ишлаб чиқаришга эга бўлган худуд, мамлакатнинг худудий ишлаб чиқариш мажмуасидан иборат бир қисми. Ҳар бир иқтисодий район ўзининг етакчи, асосий тармоқларига эга бўлиб, бу тармоқлар иқтисодий районнинг иқтисодий қиёфасини белгилайди, айти пайтда, ҳар бир иқтисодий районда шу районнинг етакчи хўжалик тармоғига хизмат қиладиган, уни тўлдирадиган ёрдамчи тармоқлар ҳам бўлади. Иқтисодий райондаги асосий омил худудий ижтимоий меҳнат таксимотидир. Шу таксимот туфайли айрим районлар ишлаб чиқаришнинг маълум тармоқлари бўйича ихтисослашади, район доирасида ва районлараро иқтисодий алоқалар амалга ошади. Илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилган иқтисодий районлар ҳақ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш ва уни тўғри бошқаришга ёрдам беради, миллий хўжалик тизимининг худудий тузилмасини қулайлаштиришга, давлатнинг минтақавий сиёсати вазифаларини ҳал этишга хизмат қилади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг худудий таркиби қуйидаги 6 та асосий иқтисодий районлар даражасида кўрилади:

1. Тошкент иқтисодий райони - Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти таркибида;
2. Мирзачўл иқтисодий райони - Жиззах ва Сирдарё вилоятлари;
3. Фарғона иқтисодий райони - Андижон, Наманган ва Фарғона

вилоятлари:

4. Зарафшон иқтисодий райони - Бухоро, Навоий ва Самарканд

вилоятлари:

5. Жанубий иқтисодий район - Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари:

6. Қуйи Амударё иқтисодий райони - Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.

Шу билан бирга айрим тор йўналишлар доирасида ҳам районлаштиришни амалга оширишлар мавжуд бўлиб, бу ўрганилаётган объектни янада чуқурроқ тадқиқ этиш, таққослаш, таҳлил қилиш, харитасини тузишга имкон беради.

Мисол учун, худудни гидромодуль районлаштириш мавжуд бўлиб, гидромодуль районлаштириш - худудни таксономик бирлик майдонларга бўлиш бўлиб, унинг мақсади ер

ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва у ерларда илмий-асосланган суғориш тартибларини қўллаш, ҳамда экинлардан юқори ҳосил олишдир.

Районлаштириш ҳудудни бошқариш, фаолиятни ташкил этиш ва назорат қилиш имкониятларини ҳам оширишидан келиб чиқиб, унинг сиёсий аҳамияти ҳам каттадир.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг 5 та ҳарбий округларга бўлинишида уларнинг географик жойлашуви маъмурий-ҳудудий чегаралар доирасидан ташкил этилганлиги намоён бўлади.

Ҳарбий округлар – операцион йўналишларда мамлакат ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор-стратегик ҳудудий бирлашмасидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 5 та ҳарбий округ ташкил этилган.


Булар:

1. Шимоли-ғарбий(Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳудудлари);
2. Жануби-ғарбий(Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудлари);
3. Марказий(Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудлари);
4. Тошкент(Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудлари);
5. Шарқий(Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудлари).

Шунингдек мамлакатни сейсмик жиҳатдан районларга бўлиб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга саналади. Сабаби, йирик иншоотларни лойиҳалаштириш ва жойлаштиришда мазкур районлаштиришни ҳисобга олиш, ундан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаш-қурилиш ечимларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса сейсмик ҳавфсизликни таъминлаш масаласида ўз ўрнига эга.

Мамлакатни ботаника-географик нуқтаи назаридан ҳам районлаштириш катта аҳамиятга эга саналади. Бунда тегишли ҳудудларни геологик тарихи, флораси, ўсимликларнинг таксономик тарқалиши ўрганилиб, таҳлил этилади. Бундай ўрганиш, халқ хўжалигини жойлаштиришда, хусусан, қишлоқ хўжалигини, туризмни ташкил ва ташкил этишда ҳисобга олинади.

Ўзбекистонни ботаник-географик районларга ажратишни баъзи олимлар 2 та провинцияга, яъни Ўрта Осиё тоғли провинцияси ва унинг округлари ҳамда Турон провинцияси ва унинг округларига бўлиб тадқиқ этишни таклиф этишади. (1-расм)



1-расм. Ботаник-географик харита.

Шунингдек мамлакатдаги, фойдали қазилмаларнинг жойлашувидан келиб чиқиб, унинг худудини турли минтақаларга бўлиш(районлаштириш) ҳам мавжуд. Масалан мамлакатимизда куйидаги нефт-газли минтақалар ажратилади:

1. Устюрт; 2.Бухоро-Хива; 3. Жануби-ғарбий Ҳисор; 4. Сурхондарё; 5. Фарғона.

Демак, юкоридаги маълумотлардан аён бўлмоқдаки, районлаштириш барча йўналишларда мавжуд. Бу эса қайд этилганидек худудни ўрганишни, назорат қилишни, таққослашни, маълумотларни умумлаштиришни, ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни, иқтисодиёт объектларини тўғри жойлаштиришни таъминлайди.

Иқтисодий-ижтимоий географиянинг бир тармоғи бўлган транспорт географиясида ҳам районлаштириш масаласи долзарблик касб этмоқда. Сабаби, мамлакатимизда иқтисодий, географик, сейсмик, ҳарбий, гидрологик, геологик районлаштиришлар мавжуд бўлган ҳолда транспорт нуқтаи назаридан районлаштириш тугал амалга оширилмаган.

Транспортнинг тарихий ривожланиши ва жойлашиши ўзига хос транспорт –қтисодий районларини вужудга келтирган. Улар йўллар билан таъминланганлиги, юк ва йўловчи ташиш кўрсаткичларига кўра бир-биридан фарқланади.

Минтақаларнинг ўзгаро фарқланиш хусусиятлари уларнинг географик ўрни ҳам мазкур минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларидир.

Ўзбекистон Республикаси транспорт минтақаларини(интеграл иқтисодий районлар тўрига мос ҳолда) олтита транспорт-иқтисодий районларига ажратиш мумкинлигини транспорт географияси бўйича олим А.А.Исаев илгари суради. А.А.Исаевнинг таклиф этадиган транспорт-иқтисодий районлари мамлакатнинг иқтисодий районлари билан мос келади.

Транспорт соҳаси саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан географияда кам ўрганилган ва ўрганилаётган йўналиш эканлиги билан ажралиб туришини мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий географиясининг забардаст олими А.Солиев алоҳида қайд этиб ўтади.

Шунингдек А.Солиев иқтисодий географияда транспорт линиялар, йўл, йўлаклар сифатида унинг қолган объектларини – ареал, тугун ва марказларни боғлаб туришини, транспорт тури ва тизими ҳар қандай худуднинг ривожланганлик, ўзлаштирилганлик кўрсаткичини, худудий меҳнат тақсимотини амалга оширувчи, иқтисодий район ва ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантирувчи муҳим омил эканлигини келтиради. Олим ўзининг илмий изланишларидан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг транспорт хўжалигидаги “географик геометрияси”ни мисоллар ёрдамида асослаган.

Мисол учун: Самарқанд (Жума) – Бухоро (Когон) – Қарши (Қашқадарё станцияси), Сирдарё – Жиззах –Ховос учбурчаклари, Фарғона ҳалқаси (Кўқон – Наманган – Андижон – Марғилон – Кўқон) кабилар. Баъзан, бу йўналишлар темир ва автомобиль йўллар биргаликда жойлашган бўлиб, улар биргаликда худудни янада мустаҳкамроқ бирлаштириши (“михлаши”)ни қайд этган.

Олим илмий хулосаларида табиий географик миқёсдаги Фарғона ҳалқаро ҳалқасини қўшни мамлакатлардаги Хўжанд ва Ўшни ҳам бирлаштиришини, Газўчоқ – Урганч йўналиши Дошҳовузга боғланишини, Тахиатош (Нукус) ҳалқаси ҳам геосиёсий аҳамият касб этишини илгари сурган. Шунингдек, Туркманобод – Питнак – Учқудуқ –Навоий “трапецияси”, Қорақалпоғистондаги Тўрткул- Нукус – Қўнғирот –Чимбой “конуссимон” темир йўлини, автйўллар географиясида Самарқанд – Ғузор –Шаҳрисабз – Самарқанд ҳалқасини аҳамиятларини келтириб ўтган.

Агар мамлакатимиздаги темир йўлларнинг худудий жойлашуви ва бошқарув нуқтаи назаридан бўлинишини ўрганадиган бўлса, у ҳозирда 6 та темир минтақалари(узел)га

бўлинган. Жумладан: Қўнғирот, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Қарши ва Термиз темир йўл минтақаларидир.

Мамлакатимиздаги темир йўл линиялари билан асосий автомобил йўллари, қувурлар ва электр узатиш линиялари параллел ўтказилганидан келиб чиқадиган бўлса, мамлакатни транспорт – географик районлаштиришни айнан иқтисодий – географик районлаштириш билан мос тарзда таҳлил қилиш ва қиёслаш бизнингча етарли бўлмайди.

Зеро, иқтисодий районлар доирасида транспорт - географик районлаштиришни мос тарзда ўрганиш ҳудудлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик(масалан Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сирдарё вилояти ва Жиззах вилояти)ни ёки улар ўртасидаги фарқликни(Қашқадарё вилояти ва Сурхондарё вилояти) ва бошқа кўплаб хусусий жиҳатларини “унутилиб” қолишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз томонимиздан мамлакатимизни транспорт – географик районлаштиришда қуйидаги таклифни янада чуқурроқ ўрганиб, кўриб чиқиш илғари сурилади:

1. Фарғона транспорт-географик райони(Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари);
2. Тошкент транспорт-географик райони(Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари);
3. Зарафшон транспорт-географик райони(Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари);
4. Қашқадарё транспорт –географик райони(Қашқадарё вилояти);
5. Сурхондарё транспорт –географик райони(Сурхондарё вилояти);
6. Шимоли-ғарбий транспорт-географик райони(Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти).

Албатта, мазкур таклиф қўшимча ўрганишларни, таҳлил ва солиштиришларни амалга оширишни талаб этади. Бу эса вақт ҳамда соҳа мутахассисларимизнинг изланишлари билан боғлиқ жараёндр.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Isayev A.A. “Transport geografiyasi” Toshkent. «MUMTOZ SO‘Z» 2019. 152
2. Махаммадалиев, Р. Й., & Ниязов, А. А. (2021). Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортининг ривожланиши тарихи ва истикболи. Academic research in educational, 2(2), 707-720. <https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00255>
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси(Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Т.: “Университет”. 2014. – 404 б.
4. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботаническая география Узбекистана: Методические подходы и итоги разработки современной схемы районирования. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 53-жилд, 2018 йил
5. https://www.uzbekistonmet.uz/uploads/9ea61927-5953-b008-c7b5-304ca389f9b0_media_11.jpg
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-r/rayonlashtirish-uz/>
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tabiiy-geografik-rayonlashtirish-uz/>
8. <https://kun.uz/78377495?q=%2F78377495>
9. https://railway.uz/uz/interaktivnye_uslugi/skhema_dorog/
10. <https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/42040-transportnaya-strategiya-uzbekistana-i-stanovlenie-institutov-dlya-realizacii-edinoy-transportnoy-politiki.html>
11. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/iqtisodiy-rayon-uz/>
12. https://www.facebook.com/uzgeolcom.uz/photos/a.953705764783840/2047716735382732/?type=3&locale=bg_BG
13. https://uz.wikipedia.org/wiki/Harbiy_okruglar